O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 48 (503) 2006 йил 5 декабрь сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

БОШ ҚОМУСИМИЗ МУҚАДДИМАСИ:

Ўзбекистон халқи:

инсон ҳуқуқларига ва давлат суверенитети ғояларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб,

ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятини англаган ҳолда,

ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таяниб,

демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб,

халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда,

республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлашга интилиб,

инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб,

фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида,

ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг мазкур Конституциясини қабул қилади.

МУСТАҚИЛЛИК ШАҲОДАТИ, ҲАЁТ ҚОМУСИ

Ватанимиз мустақиллиқни қўлга киритгач, ўзининг тараққиёт йўлини, ёрқин истиқболини аниқ белгилаб олди. Истиқлолнинг илк йилларидаёқ Ўзбекистон халқаро майдонда ўз ўрни ва муносиб мавқеига эга бўлди. Олдимизда эса улкан мақсад, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборат» вазифалар турарди.

Ёш мустақил давлатимизнинг ҳуқуқий тизими тамал тошини қўйишда 1992 йилда 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси юртдошларимиз ҳаётида, мамлакатимиз тараққиётида оламшумул воқеа бўлди.

Дарҳақиқат, ўтган қисқа давр мобайнида Асосий Қонунимиз халқимиз манфаатларини ҳимоя қилишга ҳар томонлама қодир, умумэътироф этилган демократик қадриятларга тўла-тўкис жавоб берадиган, жамиятда адолатни қарор топтирадиган қомусий ҳужжат эканини тасдиқлади.

Мамлакатимиз Конституцияси ташаббускори ва ижодкори Президентимиз Ислом Каримов раислигида 1990 йил июнь ойида ўтган Олий Кенгашнинг иккинчи сессиясида 64 кишидан иборат Конституциявий комиссия тузилиши билан янги Конституция тайёрлаш ишига киришилган эди. Мазкур комиссиянинг ташкилий-ижодий ишлари фаол тус олди. Давлатимиз раҳбари ишчи гуруҳлар олдига жаҳон конституциячилиги тажрибаларини ўрганиш, инсон ҳуқуқларига доир халқаро қонун ҳужжатлари меъёрларини ҳисобга олиш, миллатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб мукаммал сиёсий-ҳуқуқий қомус яратиш вазифасини қўйди.

Президентнинг ғоятда қимматли кўрсатмалари асосида ишчи гуруҳ янги Конституция концепциясини уч хил вариантда тайёрлагач, комиссия раиси улар орасидан мақбул нусхани танлаб олиб, конституциявий қурилиш бўйича жаҳон тажрибаларига доир ўз қарашларини баён этади.

Бош Қомусимизнинг яратилиш жараёнини — ўша унутилмас тарихий кунларни бир-бир эслашдан мақсад — Ўзбекистонимизнинг бугуни ва истиқболини белгилаб беришга киришилган қутлуғ саналарнинг ҳозирги авлодлар онгида мустаҳкамланишига эришиш, уларда ўз Конституцияси билан фахр ва ифтихор қилиш туйғуларини юксалтиришдир.

1991 йилнинг ноябрь ойида Конституция лойиҳасининг илк намунаси тайёр ҳолга келиб, у жами 158 моддадан иборат эди. Юртбошимиз ушбу лойиҳани қайта ишлаш жараёнида ўн тўртта моддага жиддий тузатишлар киритади, тўртта моддани чиқариб ташлайди. Шу билан бирга, бир қанча моддаларга аниқлик киритишни талаб этади. Айни пайтда, мазкур ҳужжат, гарчи сиёсий, юридик хусусиятга эга бўлса-да, халқнинг дилига яқин, содда ва самимий тилда ёзилиши лозимлигини уқтиради. Хусусан, комиссия раиси лойиҳа муқаддимасидаги «Миллий суверенитети ғояларига», деган жумлани «Давлат суверенитети ғояларига» деб, «Давлат халқнинг расмий вакили ҳисобланади ва унинг иродасини ифода этади», деб бошланган иккинчи моддани: «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади», деб ўзгартиради. Лойиҳадаги «Ҳар бир киши ахборот қидириш, уларни олиш ва қонуний йўл билан тарқатиш ҳуқуқига эга» деган модда Юртбошимиз томонидан қайта ишлангач: **«Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир...»**, деган аниқ ва теран мазмун касб этади.

> *Аввалambор, бу Конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра бутунлай янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ, жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикр илгари сурилган.*
>
> **Ислом КАРИМОВ**

Умуман, Конституция комиссияси раиси 166 ўринда лойиҳа матнига ўзгартиш ва қўшимчалар киритганки, бу — Асосий Қомусимиз матнидаги фикр ифодасига ўта аниқлик, изчиллик, равонлик ва салмоқ бағишлаган.

Президентимиз зиёлилардан, оддий одамлардан келган ҳар бир хат билан шахсан танишиб, ўринли таклиф, қимматли фикр ва мулоҳазаларни қайд этиб борган. Шундан келиб чиқиб, ўттиз беш-та қоида янада такомиллаштирилган, йиғирмадан ортиқ қоидага эса сайқал берилган.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов **«Ўзбекистон — келажаги буюк давлат»** номли асарида Конституция лойиҳаси ҳақида сўз юритиб, жумладан, шундай деб ёзганди: «...**мазкур лойиҳа «Инсон ҳуқуқлари ва давлат мустақиллиги ғояларига садоқат, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаш, ўзбек давлатчилигининг тарихий тажрибасига таяниш, демократия ва қонунийликни ҳурматлаш, халқаро ҳуқуқнинг жаҳонда эътироф этилган қоидаларини тан олиш, Ўзбекистон фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш, инсонпарвар ҳуқуқий жамият барпо этиш ва ниҳоят, фуқаролар тинчлиги ва миллий ҳамжиҳатликни кафолатлаш каби олижаноб мақсадларни кўзлади**».

Дарҳақиқат, Юртбошимизнинг ушбу эътирофларида Асосий Қонунимизнинг мазмунмундарижаси, моҳияти аниқ ва теран ифодасини топган десак, янглишмаймиз.

Ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгашнинг ўн биринчи сессиясида, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ижтимоий, сиёсий ва маънавий ҳаётимизда туб демократик ислоҳотлар учун қонуний пойдевор яратди. Бугун халқимиз эришган ютуқлар, мамлакатимиз ва жамиятимизда бўй кўрсатган чинакам ўзгариш ва янгиланишлар Конституциямиз мустақиллигимиз шаҳодати, ҳаётимиз қомуси эканини ҳар жиҳатдан тасдиқлаб турибди.

Наргиза НОРОВА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига мувофиқ, инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 80-моддаси 10-бандига ва 93-моддаси 23-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ***ҚАРОР ҚИЛАДИ:***

1. Ўта оғир бўлмаган жиноятлари учун биринчи марта судланган шахслар жазодан озод қилинсин:

а) аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;

в) 60 ёшга тўлган эркаклар;

г) чет эл фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек, биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазодан озод қилинсин.

3. Мазкур Қарор кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида қонунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган, ҳукми мазкур Қарор эълон қилинган кунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта 10 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Ушбу Қарорнинг 1 ва 2-бандларида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилсин.

7. Мазкур Қарорга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қуйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — учдан бир қисмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — тўртдан бир қисмига.

8. Татбиқ этилмасин:

а) мазкур Қарор — ўта хавфли рецидивистларга; жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга; шунингдек, муқаддам авф этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод бўлгач, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга;

б) мазкур Қарорнинг 1-4, 6, 7-бандлари — тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир қилганлиги учун судланганларга.

9. Сенатнинг ушбу Қарори амалга оширилиши юзасидан масъулият Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

10. Ушбу Қарор эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И.СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 30 ноябрь.

Sharh

БАҒРИКЕНГЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

Аввало шуни таъкидлаш жоизки, Бош Қомусимиз муқаддимасида қайд этилганидек, Ўзбекистон халқи инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаган бўлиб, Ўзбекистон Республикасида демократия, Асосий Қонунимизнинг 13-моддасида белгиланганидек, умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Бу эзгу тамойилнинг исботини юртимизда барпо этилаётган адолатли ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятининг туб моҳиятида инсонпарварлик ғояси мужассам эканлигида ҳам кўриш мумкин.

Давлатимиз истиқлолнинг дастлабки кунларидан халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда инсонпарварлик принципи шартлари, талаблари, қоидаларига, шунингдек, ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таянган ҳолда изчил сиёсат юритиб келмоқда.

Айтиш керакки, мамлакатимиз давлатчилиги тарихи, айниқса, Шарқ фалсафаси ва ижтимоий тафаккурида инсонпарварлик ғоялари азалдан кенг тарғиб этиб келинган. Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби мутафаккир аждодларимиз асарларида инсонпарварлик, инсон эркинлиги, унинг қадр-қимматини ардоқлаш ғоялари ўзининг ёрқин ифодасини топган. Жумладан, Абу Наср Фаробий одамларнинг иноқ ва аҳил яшаши мамлакат тараққиётида муҳим ўрин тутишини таъкидлаб, тинчликни қатъият билан қўллаб-қувватлаган ва инсон, унинг манфаатлари йўлида хизмат қилган. Алишер Навоий инсон тақдири, халқ манфаати, мамлакат ҳақида ғамхўрликни давлатни бошқаришдаги энг муҳим омил деб билган. Дунёда **инсондан улуғ ва қадрли нарса йўқ** деган ғояни илгари сурган. Унинг фикрича, бутун мавжудот, борлиқ инсонга, унинг бахт-саодатига хизмат қилиши лозим.

Мустақиллик йилларида инсонпарварлик тамойилларини тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида давлатимиз раҳбари томонидан изчил сиёсат олиб борилаётганига ҳар биримиз гувоҳмиз. Давлат ва жамият ҳаётига бевосита дахлдор масалаларга оид, жумладан, амнистия тўғрисида ҳуқуқий хусусиятга эга қатор фармонлар қабул қилинди.

Аниқроқ айтганда, истиқлол йилларида давлатимиз раҳбари томонидан **«Амнистия тўғрисида»**ги 15 та Фармон қабул қилингани ҳам юксак бағрикенглик, инсонпарварликнинг теран амалий ифодаси дейиш мумкин.

Мамлакатимизда икки палатали парламент ўз фаолиятини бошлагач, Олий Мажлис Сенати Конституциявий ваколатига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қила бошлади. Сенат ўзининг ана шу ваколати доирасида иккинчи марта, яъни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Таъкидлаш жоизки, инсонпарварлик тамойили моҳиятэътибори билан чуқур маънога эга. Мамлакатимизда Конституция асосида қабул қилинаётган қонунлар, умуман олганда, барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти жиҳатидан инсонпарварлик намунаси ҳисобланади.

Бундан ташқари, амалдаги Жиноят кодексида инсонпарлик принципи асосий принциплардан бири сифатида ўз ифодасини топган. Унга кўра, жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламаслиги, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши учун етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланиши керак. Амнистия тўғрисидаги қарорлар айни шу нуқтаи назардан ёндашган ҳолда қабул қилинмоқда.

Куни кеча қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарор аввало мазмун жиҳатдан ўтган йил қабул қилинган қарорга нисбатан анча кенглиги билан фарқ қилади. Ўрни келганда шуни айтиш керакки, Жиноят кодексининг Махсус қисмидаги жиноятлар ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига қараб уч юздан ортиқ бўлиб, улар белгиланган жазо турларини ҳисобга олинган ҳолда, тўрт тоифага бўлинади:

1) Ижтимоий хавфи катта бўлмаган;
2) Унча оғир бўлмаган;
3) Оғир;
4) Ўта оғир жиноятлар.

Олий Мажлис Сенатининг **«Амнистия тўғрисида»**ги қарорида юқорида санаб ўтилган тўрт тоифадаги жиноятни содир этган шахсларнинг деярли барчасига, татбиқ этилмаслиги кўрсатилган 8-бандда қайд этилганлардан ташқари, алоҳида ёндашув асосида, яъни қарорнинг тегишли бандларида белгиланган тартибда қўлланилади.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатни қўллаш жараёнида, **биринчидан,** маълум тоифа шахслар жиноий жавобгарликдан, **иккинчидан,** яна бир гуруҳи жазодан озод қилинади. **Учинчидан,** бир гуруҳ маҳкумларнинг жазо муддати қисқартирилади ёки енгилроқ жазога алмаштирилади.

(Давоми иккинчи бетда)

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм

Маълумингизким, юртимиз истиқлолидан кейин қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида дин ва виждон эркинлиги махсус моддалар билан кафолатланган. Бу эса, мамлакатимизда яшаётган турли миллат вакилларининг ўз дини ва эътиқодига мувофиқ барча диний маросимлари, ибодатлари ва тадбирларини бемалол адо этиш имкониятини беради. Яқинда мустақиллигимизнинг 15 йиллигини шоду хуррамлик ва катта тантана билан нишонлаган халқимиз эндиликда Конституциямиз қабул қилинган куннинг 14 йиллигини нишонлаш арафасида турибди.

Усмонхон АЛИМОВ,
Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси, муфтий

ЭЪТИҚОД ВА ҲУҚУҚИМИЗ ГАРОВИ

Ушбу сана диёримизда умумхалқ шодиёнаси сифатида байрам қилиниши бежиз эмас. Зеро, Конституция халқимизнинг истиқбол қомусидир.

Шунингдек, у ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла кафолатлайдиган муҳим ҳужжатдир. У асосий қонунлар манбаи сифатида мамлакатимизда қонунчиликнинг ривожланиши учун ҳуқуқий ислоҳотларни амалга оширишни таъминламоқда. Инсон ҳуқуқларини, юрт тинчлиги, барқарорлигини ва ҳар бир оиланинг фаравон ҳаёт кечиришини ҳамда буюк келажак дастурларини белгилаб бермоқда. Бош қомусимиз мустақиллигимиз меваси ва маҳсули сифатида дунёга келди ҳамда ҳурриятимиз ва эркинлигимизнинг қалқони бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Инсонпарварлик руҳи билан суғорилган ушбу Конституция келажаги буюк Ўзбекистоннинг қад ростлаши ва ҳуқуқий давлат барпо этиш учун мустаҳкам пойдевордир.

Бу ҳақда муҳтарам Президентимиз шундай деганлар: **«Ҳур Ўзбекистоннинг тарихида биринчи Конституцияни қабул қилиш республикамизнинг янгидан туғилишидир, ҳуқуқий мустақиллигимизга мустаҳкам пойдевор қуришдир... Конституциямиз Асосий Қонунимиз сифатида давлатни давлат қиладиган, миллатни миллат қиладиган қонунларга асос бўлиши муқаррар»**.

(Давоми учинчи бетда)

ҲУР ФИКР МИНБАРИ

Шуҳрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

Ҳаётнинг ёзилган ва ёзилмаган қонун-қоидалари бор. Агар биз бирор мақсадга эришишни кўнглимизга тугсак, ўша йўлдаги тартиб-қоидага риоя қилишимиз зарур. Айтайлик, ҳали ҳарф ўрганмаган болани иккинчи ёки учинчи синфга қўшиб қўйсангиз, дарс мобайнида ҳеч нарса тушунмаслиги мумкин. Негаки, бу ҳолатда оддий қоидага амал қилинмаган. Бола бошқа фанларни ўзлаштириши учун аввало, биринчи синфда алифбе сабоқларини ўрганиши керак. Яъни ўқувчи томонидан ўрганилган ҳарфлар бошқа предметлар учун қалит, аниқроқ айтганда, очқич вазифасини ўтайди. Шунингдек, ҳаётимизнинг ҳар қандай жабҳаси учун ёзилган қонунларни тушунишимиз учун бирламчи калит — Конституцияни билиш тақозо этилади.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси қабул қилган, Сенат маъқуллаган, Президент имзолаган қонун қачон кучга киради? Айрим ҳолларда қонунни амалга киритиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинади. Аксарият ҳолларда эса қонуннинг охирги моддасида шундай сўзлар ёзилган бўлади: **«Ушбу қонун матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради».** Бу мисол жамиятимизда матбуотнинг ўрни нақадар муҳим аҳамият касб этишини ёрқин ифодалаб турибди.

Ўз Конституциясида демократиянинг умуминсоний принципларга асосланишини эътироф этган, шунга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланган Ватанимизда матбуот ҳар жиҳатдан эркин фаолият юритмоқда. Бунинг учун Бош Қомусимизда, унга асосланган бошқа қонунларимизда ҳуқуқий замин яратилган. Кўнглингизда умумжамият ҳаётини яхшилаш истаги туғилдими, бирор фойдали таклифни билдирмоқчимисиз? Марҳамат, Асосий Қонунимизнинг 29-моддасида аниқ-тиниқ ёзиб қўйилган: «Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга...»

Юқоридаги сатрлардан кимдир «Демак, ҳар ким ўз билганича ҳаракат қилиши ёки кўнглига келган гапни айтиши мумкин экан-да», деган хулосага бориши мумкин. Ундай эмас, албатта. Жамият бир-икки кишидан иборат эмас, балки сиз ва бизнинг атрофимиздаги миллионлаб фуқаролар яхлит ҳолда жамиятни ташкил этади. Конституциямизнинг Иккинчи бўлим, V бобидаги **«Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт»** деган сўзлардан иборат 20-моддаси ушбу масалага ойдинлик киритади.

Жамиятимизда ҳамма соҳа эркинлашиш сари юз тутмоқда. Бу фуқаролар манфаатини ҳимоя қилувчи адолатли демократик жамият қуриш йўлидаги табиий ва қонуний жараёндир. Аввало, инсон манфаатини кўзловчи жамиятимизда эркинлик ҳозирданоқ ўз самараларини намоён этмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Mulogot

«МАШИНАМНИ ИЖАРАГА БЕРМОҚЧИМАН...»

— Қўшнимга енгил автомашинамни ижарага бермоқчи эдим. Айтинг-чи, унга автомашинамни қандай тартибда берсам, қонуний йўл тутган бўламан?

М.ЭРМАТОВ,
Жиззах вилояти

— Фуқаролик кодексининг 541-моддасида ижарага берувчи ижарага олувчига мол-мулкни шартнома шартлари ва мол-мулкнинг вазифасига мувофиқ ҳолатда топшириши лозим.

Мол-мулкни топширишга тайёрлаш, шу жумладан, топшириш далолатномасини тузиш ва имзолашга тақдим этиш ижарага берувчининг бурчи бўлиб, унинг ҳисобидан амалга оширилади.

Агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мол-мулк барча мансуб ашёлари ва унга алоқадор ҳужжатлар (техник паспорт, сифат сертификати ва ҳоказолар) билан бирга ижарага топширилади. Агар бундай ашёлар ва ҳужжатлар топширилмаган ва уларсиз ижарага олувчи мол-мулкдан унинг ўз вазифаси бўйича фойдалана олмаса ёхуд шартнома тузиш пайтида мўлжаллашга ҳақли бўлган анча нарсасидан маҳрум бўлса, у ижара берувчидан бундай мансуб ашёлар ва ҳужжатларни топширишни ёхуд шартномани бекор қилишни, шунингдек, зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Агар ижара берувчи ижарага олувчига ижарага берилган мол-мулкни шартномада кўрсатилган муддатда, башарти шартномада бундай муддат кўрсатилган бўлмаса, оқилона муддатда топширмаган бўлса, ижарага олувчи Фуқаролик кодексининг 331-моддасига мувофиқ, бу мол-мулкни ундан талаб қилиб олиш ва ижронинг кечикканлиги туфайли етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ёки шартномани бекор қилиш ва унинг бажарилмаганлиги сабабли етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

ИСТЕЪМОЛЧИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

— Истеъмол кредитини олишда истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?

Э.БЕГАЕВ,
Навоий шаҳри

— **«Истеъмол кредити тўғрисида»**ги қонуннинг 13-моддасида истеъмолчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида сўз юритилган бўлиб, ушбу моддага мувофиқ, истеъмолчи:

- истеъмол кредити бериш қоидалари билан танишиб чиқиш;

- ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида, шу жумладан, истеъмол кредити бериш билан боғлиқ барча ҳаракатлар ҳақида ишончли ҳолда тўлиқ ахборот олиш;

- шартнома шартларининг шартномада белгиланган тартибда ва муддатларда бажарилишини талаб қилиш;

- тегишли даражада сифатли бўлмаган сотиб олинган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) алмаштирилишини талаб қилиш ёки уни сифати тегишли даражада бўлган бошқа шунга ўхшаш товарга (ишга, хизматга) алмаштириш имконияти бўлмаганида шартномани бекор қилиш;

- истеъмол кредити берувчи ташкилотдан шартнома бўйича мажбуриятларни бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарнинг ўрнини қоплашни талаб қилиш каби ҳуқуқларга эга.

ТАЛАБ ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН

— Ўзим хизмат қиладиган ташкилот мутасаддилари мени ноқонуний равишда ишдан бўшатди. Мен анча пайт мажбурий равишда ишсиз юрдим. Қолдирилган иш кунлари учун раҳбариятдан меҳнат ҳаққимни талаб қилишим мумкинми?

М.ТОШМАТОВ,
Андижон шаҳри

— Ҳа, ҳаққингиз бор. Чунки **Меҳнат кодексининг 275-моддасида «иш берувчи ходимнинг пул ундиришга доир талабларини ҳеч қандай муҳлат билан чекламай, ҳамма вақт учун қондиришга ҳақлидир»,** дейилган.

Иш ҳақини ундириш тўғрисида низо келиб чиққан тақдирда, меҳнат низоларини кўрувчи идора ходимнинг пул ундиришга доир қуйидаги талабларини тўлиқ қондиради:

- меҳнат шартномаси бекор қилинганда ходимга меҳнат дафтарчасини ўз вақтида бермаганлик оқибатида келиб чиққан мажбурий прогул вақти учун ҳақ тўлаш тўғрисидаги;

- меҳнат низоларини кўрувчи идоранинг ходимни аввалги ишига тиклаш тўғрисидаги қарорини иш берувчи ижро этмаганлиги оқибатида келиб чиққан мажбурий прогул вақти учун ҳақ тўлаш тўғрисидаги;

- фойдаланилмаган таътил учун ходимга тегишли бўлган компенсацияни тўлаш тўғрисидаги.

Меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинганлиги, бошқа ишга ғайриқонуний равишда ўтказилганлиги ёки ишдан ғайриқонуний равишда четлатилганлиги оқибатида келиб чиққан мажбурий прогул вақти учун ходимга ҳақ тўлаш тўғрисидаги меҳнат низоларини кўриб чиқиш чоғида меҳнат низоларини кўрувчи идора томонидан ходимнинг пул ундиришга доир талаблари бир йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун қондирилади.

Ходимнинг пул ундиришга доир бошқа талаблари уч йилдан ортиқ бўлмаган муддат учун қондирилади.

ИШ СТАЖИ ҲИСОБГА ОЛИНАДИ

— Айтинг-чи, ногиронлик пенсиясини тайинлашда иш стажи инобатга олинадими?

Х.РАСУЛОВ,
Тошкент шаҳри

— Сизнинг саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, **«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»**ги қонуннинг 17-моддасида меҳнатда майибланганда ёки касб касалига учраганда бериладиган ногиронлик пенсиялари иш стажидан қатъи назар, тайинланади. Умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиялари ногиронлик бошланган пайтга қадар қуйидаги иш стажига эга бўлган тақдирда тайинланади.

Ёши	Иш стажи (йил ҳисобида)
23 ёшга қадар	2
23 ёшдан 26 ёшга қадар	3
26 ёшдан 31 ёшга қадар	5
31 ёшдан 36 ёшга қадар	7
36 ёшдан 41 ёшга қадар	9
41 ёшдан 46 ёшга қадар	11
46 ёшдан 51 ёшга қадар	14
51 ёшдан 56 ёшга қадар ва ундан ошганда	17

Саволларга ҳуқуқшунос Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.

ВАТАН ВА ИНСОН

ҒУРУР ВА ИФТИХОР ТИМСОЛИ

Бугунги Ўзбекистон, унинг тобора ортиб бораётган халқаро нуфузи, етакчи давлатларнинг муносабати, улар билан ўрнатилаётган тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий алоқаларнинг кўламини мулоҳаза қилиб кўрган киши, мустақилликнинг нечоғлик улуғ неъмат эканига яна бир бор имон келтиради.

Президентимиз Ислом Каримов бошчилигида курраи заминга жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси эканлигимизни маълум қилганимиздан буён ўз Конституциямиз, ўз қонунларимиз билан яшаб келмоқдамиз.

Энг муҳими, биз истиқлолимизни бировдан сўраб-тилаб олмадик, ҳеч кимдан ижозату изн ҳам, маслаҳат ҳам сўрамадик. Дунёнинг бирорта мамлакатидан миллат сифатида, халқ сифатида мустақил яшашга ҳаққимиз борлиги ҳақида кафолат ҳам, кафиллик ҳам сўрганимиз йўқ. Кутилмаган жасорат ва шижоат билан қарамлик занжирларини узиб ташладик. Бу йўлдан асло ортга қайтмаслигимизга, заиф қарорларимизнинг қатъийлигига ишонган дунёнинг турли мамлакатлари бирин-кетин Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида тан олишга, ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга шошилди.

Албатта, бунинг тагида ўнлаб сиёсий ўйинлар, найранглар, сиёсий, иқтисодий манфаатлар ҳам бор эди. Очиғини айтганда, уларнинг бир қисми шўро давлатининг тугаганидан шод бўлиб, дўстлик қўлини чўзган бўлса, яна бир гуруҳи янги мустамлака орзусида бизни бағрига босгиси келди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошида байроғимиз ҳилпираганда юрагимиз ҳаяжонга тўлгани ҳам, шу билан биргаликда " неча минг йиллик тарихга эга бўлган халқнинг туғроси бу нуфузли халқаро ташкилот тузилмасдан олдин ҳам бошимиз узра ҳилпираб туришга ҳақли эди-ку", — деган бир армонли туйғу кечгани ҳам рост.

Дарҳақиқат, бугун ўзларини маърифий дунёнинг устуни деб санаган давлатлар тартиб билан қоиданинг, қонун билан насиҳатнинг фарқини англамай яшаган пайтларида, "Авесто"-дек умумбашарий қонунлар мажмуасини,"Темур тузуклари"-дек давлат сиёсатининг қомусини яратган, улуғ салтанатлар тузган халқнинг сўнгги бир ярим аср мобайнида етим боладек елкасини қисиб яшагани аламли бир ҳол эди.

Мустақиллик туфайли биз ҳам дунё аҳли олдида шахсимизни тасдиқлайдиган ўз қомусимизга эга бўлдик. Бу ҳужжатни биров бергани йўқ, у ўзбек халқининг ҳоҳиш-иродаси билан яратилди.

1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси бутун дунёга маълум қилдики, **"Ўзбекистон Республикаси халқаро муносабатларнинг тўла ҳуқуқли субъектидир. Унинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади».**

"Ташқи сиёсат" бобидаги ушбу 17-моддада олам-олам мазмун жамлангандир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ўз зиммасига бошқа давлатларнинг суверен тенглигини ҳурмат қилиш, ҳеч кимга нисбатан куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлигига риоя қилиш, бошқаларнинг ички ишларига аралашмаслик сингари муҳим бурчни олиш баробарида, ўзининг мутлақ мустақиллигини, холислигини, бошқа давлатларга нисбатан эҳтиромини ифода этди. Ўтган даврлар мобайнида ушбу қоидаларга тўла-тўкис риоя қилиб, яқин ва олис мамлакатларнинг ҳурматини қозонди, ишончли ҳамкорга айланди.

Юртнинг мустақиллиги фуқаролар эркинлиги ва мустақиллигининг кафолати эканлиги аслида исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Бироқ уни фақат англаш билангина иш битмайди, балки қалбдан кечириш лозим. Конституциямизнинг 22-моддасида **"Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида ҳам, ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлайди"**, деб белгиланган мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси жаҳоннинг қайси ҳудудида бўлмасин, юртига, халқига таяниб, унинг нафасини ҳис этиб, эмин-эркин яшаш ҳуқуқига эга эканини, ҳар қандай вазиятда ўз давлати ҳимоясида эканини ҳис этишини қонуний жиҳатдан мустаҳкамлаб берди.

Бош қомусимиз халқ ҳокимиятчилигини мустаҳкамлаш, инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқи, эркинлик ва бурчларини таъминлаш, демократик тамойилларга таянган ҳолда озод юртда фуқароларнинг эркин ва озод яшашлари, меҳнат қилишлари, давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этишларига оид теран қоидаларни ҳам қамраб олганки, ҳар бир модданинг замирида тарихи теран, келажаги буюк халқнинг ғурур ва ифтихори, ишонч ва умиди мужассамдир.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимизнинг ҳоҳиш-иродасини, орзу-умидларини ўзида тўла-тўкис қамраб олган ва уларнинг рўёби учун адолатли йўлни белгилаган муқаддас ҳужжат, озод ва обод мамлакат барпо этаётган эзгу ниятли миллатнинг бош қомусидир.

Бахтиёр РИЗО

Sharh

БАҒРИКЕНГЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қарорнинг биринчи бандида ўта оғир бўлмаган жиноятлар учун биринчи марта судланган:

а) аёллар;

б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, яъни вояга етмаганлар;

в) 60 ёшга тўлган эркаклар;

г) чет эл фуқаролари жазодан озод қилинади.

Бундан ташқари, қарорнинг 2, 3, 4-бандларида:

— эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек, биринчи марта ҳукм қилинган ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлар;

— мазкур қарор кучга киргунга қадар жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари;

— ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган (жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод этилиши кўзда тутилган.

Шу ўринда **«Амнистия тўғрисида»**ги қарорнинг 5-бандига алоҳида эътибор қаратиш жоиз. Нега деганда, ушбу бандга кўра, ўтган йилги амнистия тўғрисидаги қарордан фарқли ўлароқ, **"таъқиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун биринчи марта 10 йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинади".**

Кези келганда шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда жиноят содир этган кимсаларга нисбатан бундай бағрикенглик биринчи марта кўрсатилаётгани йўқ. Давлатимиз раҳбарининг **"Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида"**ги 2000 йил 6 сентябрда қабул қилинган Фармони бугунги кунда ҳам амалда қўлланилмоқда. Мазкур Фармон моҳиятида Ўзбекистонга қўшни бўлган давлатлар ҳудудидаги террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган, оғир жиноятлар содир этмаган, Ватанига, ота-онаси бағрига қайтиб, тинч ҳаёт кечиришни ният қилган шахсларга яна бир имконият бериш, уларни беҳуда қурбон бўлишига йўл қўймаслик сингари инсонпарварлик туйғуси мужассам.

Куни кеча Сенат томонидан қабул қилинган **«Амнистия тўғрисида»**ги қарорнинг 6 – 7 бандлари ҳам эътиборга молик. Зеро, ушбу бандларда қарорнинг 1 – 2 бандларида қайд этилган, яъни аёллар, вояга етмаганлар, 60 ёшга тўлганлар, чет эл фуқаролари, шунингдек, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган чет эл фуқаролари ҳамда эҳтиётсизлик орқасида тааллуқли жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тугатилади.

7-бандда белгиланишича, жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми:

Қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга учдан бир қисмга;

Ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга тўртдан бир қисмга қисқаради.

Қарорнинг 8-бандига кўра:

— ўта хавфли рецидивистларга;

— жазо ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга;

— шунингдек, муқаддам авф этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод этилиб, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга;

— таъқиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар содир қилганлиги учун судланганларга мазкур қарор татбиқ этилмайди.

Мавжуда РАЖАБОВА,
Сенатор

Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 41-модда.

ҲУР ФИКР МИНБАРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 951 та оммавий ахборот воситаси: улардан 676 газета, 189 та журнал, 11 та ахборотнома ва бюллетен, 4 ахборот агентлиги, 51 та телестудия, 14 та радиостудия, бундан ташқари 49 та кабел телевидениеси, 464 та электрон ахборот воситаси ёки интернетдаги веб-сайтлар фаолият кўрсатиб турибдики, бу юртимизда оммавий ахборот воситаларининг мунтазамлигини таъминлаш, фуқароларнинг ахборот олиш, ахборот узатиш, сўз эркинлигини амалга оширишлари учун барча шароит яратилганлигидан далолатдир.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биринчи қўшма мажлисидаги маърузаларида Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг ғоят муҳим шарти бўлган оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга ошириш зарурлигига алоҳида эътибор бердилар. **«Бу борадаги асосий вазифа - мамлакатимизда ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнининг муҳим таркибий қисми бўлмиш матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлашдан иборат»,** деб таъкидладилар. Ана шу вазифаларни амалга ошириш юзасидан парламентимиз **«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»**ги қонунни янги таҳрирда ишлаб чиқди. Қонунчилик палатаси тақдим этган мазкур қонун Олий Мажлис Сенатининг ўтган ҳафта бўлиб ўтган саккизинчи ялпи мажлисида маъқулланди.

Ҳа, эркинлик ҳаётнинг ҳар жабҳасида ижобий силжишларга олиб келади. Гиёҳ илдизи майин тупроқда гуркираб ўсгани каби инсон ҳаёти ҳам эркин шароитда ривож топмоқда. Зотан, Конституциямизда ёзиб қўйилганидек, **бизнинг жамиятда оммавий ахборот воситалари ҳам эркиндир.** Бундай эркинлик қадрини унга эга бўлмаган даврдаги шароит билан таққослаб баҳолаш мумкин. Ҳамкасбларимиз ҳануз ўтмишдаги цензуранинг қилиқларини бамисоли туш каби эслаб юрадилар. Минг шукрки, у даврлар мангуга интиҳо топди. Бугунги кунда эркин ижод қилишимизга Ватанимиз Конституцияси мустаҳкам кафолат яратган.

БАХТИМИЗ ГАРОВИ

Бош Қомусимиз ҳаётимиз мазмуни, қўлга киритаётган ютуқларимиз гаровидир. Унинг ҳар бир банди умр йўлимизда ўзининг ёрқин изларини қолдирмоқда. Конституциямизда баркамол авлод, фарзандлар тарбиясига, ҳар қайси ота-онанинг ўз фарзанди келажаги учун, тақдири учун масъуллиги алоҳида уқтирилган. Чунончи, унинг 64-моддасида шундай ёзилган: «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналарининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради.

Биз айрим юртдошларимизга мурожаат этиб, Бош Қонунимиздаги ушбу қоидалар ҳаётда қандай ўз ифодасини топаётгани билан қизиқдик.

— Дарҳақиқат, фарзанд тарбиясига, аввало, ота-она масъул, — дейди **Зарафшон шаҳридаги «Шодлик» меҳрибонлик уйи директори Учкун Очилов.** — Шунга қарамай, ҳукуматимиз томонидан ота-онасиз қолган етим болаларни боқиш, тарбиялаш мақсадида Меҳрибонлик уйлари ташкил этилган. Бизнинг «Шодлик» меҳрибонлик уйимиз ҳам ана шундай масканлардан бири. 2000 йили ўз фаолиятини бошлаган бу даргоҳда бугун 69 нафар 3 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўғил-қизлар тарбияланишмоқда. Уларнинг бир нафари етим, 18 нафари ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганларнинг, қолганлари эса боқувчисини йўқотган ва кам таъминланган оилаларнинг фарзандларидир.

Меҳрибонлик уйида ўзбек, рус, қозоқ, қорақалпоқ, тожик, татар, туркман миллатига мансуб болалар бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ улғайишмоқда. Уларнинг пухта билим олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Шаҳар ҳокимлиги, Зарафшон қурилиш бошқармаси, Марказий кон бошқармаси, уй-жойдан фойдаланиш бошқармалари тарбияланувчиларни ўқув қуроллари, кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни ўз бурчлари, деб билишади. Болаларимизнинг ҳар йили ёзги мавсумни энг хушманзара дам олиш оромгоҳларида ўтказишлари ҳам ҳомийлар зиммасида. Бундай ғамхўрлик ва эътиборга жавобан тарбияланувчилар фан олимпиадаларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллаб, ўз иқтидорларини шаҳар ва вилоят танловларида намойиш этишаётир.



Конституциямизнинг 41-моддасида билим олиш барчамиз учун кафолатланганги, таълим-тарбия ишлари давлатимиз назоратида бўлиши қуйидагича ифодасини топган:

«Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир».

Томди туманидаги 21-мактаб-интернатнинг география ўқитувчиси, «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси» унвони соҳибаси Пория Игисинова биз билан суҳбатда қуйидагиларни эътироф этди:

— Мустақил юрт фарзандларига билим бериш ҳуқуқим борлигидан бе-ҳад бахтиёрман. Чунки мен ҳаётимни мактабдан ташқарида тасаввур этолмайман. Салкам ўттиз беш йилдан буён Қизилқум яйловларида меҳнат қилаётган чўпон болаларининг орзу-интилишлари фаолиятимнинг мазмунини ташкил этади. Ёш авлодни ҳар томонлама етук, маънавий-ахлоқий жиҳатдан пок, ватанпарвар, меҳнаткаш шахслар қилиб тарбиялаш асосий мақсадим. Шунинг учун ҳам йилўн икки ой болалар билан биргаман. Сўнгги қўнғироқ чалинди дегунча, Томдидаги болалар дам олиш оромгоҳи — «Арай»га бораман. Уни ўғил-қизларимизнинг ёзги дам олишига тайёрлаб қўймагунча кўнглим тинчимайди. Таътил даврида маънавий-маърифий ишлар «Арай»да давом этади. Мана, 21 йилдан буён бу оромгоҳга раҳбарлик қилиб келаяпман. Болаларнинг соғлом бўлиши, спорт билан шуғулланиб чиниқишлари, мириқиб дам олишлари бизнинг жонкуярлигимизга, ҳиммат ва меҳнаткашлигимизга боғлиқ.

Камтарона меҳнатим яқинда Президентимиз Фармонига кўра **«Ўзбекистон Республикаси Халқ ўқитувчиси»,** деган юксак унвонга лойиқ топилди. Оддий муаллима учун бундай эътибор чинакам бахт, албатта.

Бош Қомусимизда фарзандларга ғамхўрлик, ёш авлод таълим-тарбиясига масъуллик билан бир қаторда, халқимиз сиҳат-саломатлигини асраб-авайлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Конституциямизнинг 40-моддасида белгиланишича:

«Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга».

— Салкам 40 йилдан буён шифокор сифатида элга хизмат қилаяпман, — дейди Конимех тумани марказий шифохонаси жарроҳлик бўлими мудири Бўстон Баймбетова. — Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган улкан ишларда ҳиссам борлигидан мамнунман. Тиббиёт муассасаларининг бугунги жаҳон андозаларига мос жиҳозланганги, узоқ қишлоқ ва овулларда қишлоқ врачлик пунктларининг қурилиб, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлангани, аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиш йўлида бор билимимизни аямай хизмат қилишимизни тақозо этади. Туман марказидан 250-300 километр олисдаги овулларда меҳнат қилаётган чорвадорлар оилаларига ҳам сифатли тиббиёт хизмати кўрсатилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Мен ҳукуматимиз томонидан шифокорларга, ҳамшираларга кўрсатилаётган ғамхўрлик ва имтиёзлардан барчамиз мамнунлигимизни айтмоқчиман. Бугунги кунда оилада тиббий маданиятни оширишни ўзимнинг бурчим, деб биламан. Юртдошларимга малакали тиббий хизмат кўрсатиш бахти насиб этган шифокорлардан эканлигим билан ҳақли равишда фахрланаман.

Маруса ҲОСИЛОВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

МАНФААТЛАРИ МУҚАДДАСДИР

ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ

Бош Қомусимизнинг 18-моддасида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар», дея қайд этилган. Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда 100 дан зиёд миллат ва элатлар вакиллари яшашади ҳамда улар мустақил Ўзбекистоннинг тенг ҳуқуқли фуқаролари ҳисобланишади. Биз газетамизнинг Конституциямиз қабул қилинган куннинг 14 йиллигига бағишланган махсус сонини тайёрлаш жараёнида юртимизда истиқомат қилаётган ва она Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини яратишда сиз-у биз билан елкадош бўлиб меҳнат қилаётган турли миллат фарзандларининг фикрлари билан ҳам қизиқдик.

УЛУҒВОР ВА БЕҚИЁС



Валерий ПЕЧЕЙКИН, журналист

Инсоният цивилизацияси билан уйғун ҳолда яшаётган ҳар бир одам ҳозирги замонда ахборот доирасидан четда эмас, албатта. Ахборот оқими эса йилдан-йилга мураккаблашиб, хилма-хил тус олиб бораётир. Улуғ даҳолар ўзлари яшаган даврдан асрларга илгарилаб, замондошларини келажак муаммолари устида ўйлашга даъват этишган. Ўзларигача йиғилган тажрибалардан қувватланиб, улар нафақат бу муаммолар ечимини, балки жамиятни тараққиёт сари олиб борадиган йўлни кўрсатишган.

Бироқ ҳаётда бундай улуғ инсонлар билан бирга инсоният ахлоқи ва мажбуриятларининг кўп асрлик тажрибаларини ўзида жамлаган китоблар ҳам мавжуд.

Шубҳасиз, ана шундай китоблардан бири бизнинг Бош Қомусимиз — Ўзбекистон Республикаси Конституциясидир. Конституция жамиятнинг тараққиёт йўлига доир асосий қоидаларнинг оддий тўплами эмас. Чунки ҳар қандай, ҳатто жиддий қонунлар тўплами ҳам бу қадар улкан моҳиятга эга бўлмайди. Агар ушбу «Барча қонунлар Қонуни»нинг мундарижасини диққат билан кузатсак, ундаги меъёрлар фақат давлатнинг Асосий қонунига хос бўлган улкан савия ва аниқлик билан, ҳар бир сатр барчага бирдай тушунарли тилда ёзилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бугунги кунда юртимизнинг ҳар бир фуқароси қўлида Конституция бор: у хоҳлаган пайтда ўқиши, ўзининг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун ундан бемалол фойдаланиши мумкин. Ҳар бир фуқаро Асосий Қонунга таяниб, ўз ҳуқуқлари сақланаётганини кузатиб бориш имкониятига ҳам эга.

Бундан ярим аср муқаддам жамиятимизда бугун юз кўрсатаётган туб ўзгаришларни ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Айниқса, истиқболда очилган озодлик йўлини.

Мен каби ёш мухбир учун сўз эркинлигига урғу берилгани, айниқса, жуда муҳим. Тошкент Давлат иқтисодиёт университетини битиргач, мен журналистика билан астойдил шуғулланишга қарор қилдим. Бу соҳа, имкониятимга яраша, ҳам умуммиллий ва ҳам халқаро муаммолар муҳокамасида иштирок этишга жалб қилди.

Конституциямизнинг 29-моддасида **«Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустаснодир.**

Фикр юритиш ва уни ифодалаш эркинлиги фақат давлат сири ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин», деб белгилаб қўйилган.

Сўз эркинлиги ҳуқуқини ўзларининг нопок мақсадлари йўлида фойдаланувчи кучлар ҳам пайдо бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам, зўравонликларга йўл қўймаслик учун доимо эҳтиёт чораларини кўрмоқ, фуқаролар онгини тўғри йўлдан чалғитувчиларга қарши курашмоқ лозим бўлади. Ва, албатта, ўз ҳақ-ҳуқуқимиз, миллат ҳақ-ҳуқуқи учун фақат фикр воситасида, маърифат воситасида курашиш керак. Одамлар шу нарсани теран тушуниб етмоқлари жоизки, Конституция — Озодлик кафолати, у бир-икки кишининг саъй-ҳаракати билан эмас, балки бутун бир жамиятнинг кураши натижасида қўлга киритилади.

Мен юқорида Бош Қомусимизнинг атиги бир моддаси ҳақида қисқача мулоҳазаларимни баён этдим. Ваҳоланки, Конституциямизнинг ҳар бир моддаси ҳақида шундай фикр юритиш мумкин. Уларнинг ҳар қайсиси сизу бизнинг эркин фаолият кўрсатиб, фаровон яшашимизни ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайди. Албатта, биз, ўзбекистонликлар Конституциямизнинг ҳақиқий салмоғини теран англаймиз ва ҳис этамиз. Унинг улуғворлиги ва беқиёс аҳамияти бизга аёндир.

ТОТУВЛИК МЕЗОНИ

Римма ГОЛОВИНА, Тошкент яҳудий жамоатчилик маданий маркази раиси

Ўзбекистон кўп миллатли мамлакат. Республикамизда 100 дан зиёд миллат вакиллари тинч-тотув яшаб, ҳамжиҳатликда меҳнат қилиб келмоқдалар. Давлатимиз тараққиётида уларнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор.

Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар, турли миллат вакиллари ўртасида тотувликни мустаҳкамлаш масалаларига катта эътибор бериб келинмоқда.

Конституциямизнинг қабул қилиниши билан ушбу муносабатларнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори яратилди. Бош Қомусимизнинг 18-моддасида **"Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга"**, дея қайд этилган. Мана шу кафолатнинг ўзиёқ мамлакатимизда барча миллат ва элат вакилларига аҳил яшаш ва меҳнат қилиш учун кенг имкониятлар яратиб берилганини яққол кўрсатиб турибди. Бу Асосий Қонунимизнинг демократик тамойилларга, ижтимоий адолат талабларига ҳар жиҳатдан мос эканига бир далилдир.

Мустақиллик йилларида шу қадим ва мўътабар заминимизда халқларнинг тинчлик ва тотувликда яшашлари учун барча шароит яратиб берилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган давлатимизнинг миллий сиёсати ўз самарасини бераяпти. Республикада яшаётган барча миллат ва элат вакиллари ўз аждодлари анъаналарини давом эттирибгина қолмай, фарзандларини ҳам она тилида ўқитиш, улар онгига миллий анъана ва урф-одатларни сингдириш имкониятига ҳам эгалар.

Яҳудий халқи иккинчи жаҳон уруши йилларида Россия, Украина, Белоруссиядан эвакуация қилинган юз минглаб яҳудийларга кўрсатилган ёрдам, ғамхўрликни ҳеч қачон унутмайди. Деярли ҳар бир ўзбек оиласи бағрикенглик билан урушнинг даҳшатли синовларидан омон қолган қариялар, аёллар ва болаларга ўз уйларининг тўридан жой берди. Меҳридарё ўзбек халқи биз, яҳудийлардан – ўзга дин ва ўзга тил вакилларидан ҳеч нарсаларини аямади. Биз ана шу ўзбекона меҳмондўстлик ва бағрикенгликни ҳеч қачон унутмаймиз.

Ўзбекистонда яшаётган барча миллатларнинг миллий тили ва анъаналарининг ривож топишида ва асрав-авайланишида мустақиллигимизнинг илк йилларида ташкил этилган миллий маданий марказларнинг аҳамияти катта. Ҳозирги пайтда юртимизда 140 га яқин миллий маданий марказ фаолият юритмоқда.

Юртимиздаги барча миллат ва элатлар учун бирдай тенг ҳақ-ҳуқуқларни кафолатлаб берган Ўзбекистон Конституцияси халқларимизнинг келажакка катта умидлар билан қарашга, мамлакатимизда тараққиёти учун жон қуйдириб меҳнат қилишга руҳлантиради. Фурсатдан фойдаланиб, маданий марказимиз номидан барча юртдошларимизни Конституция куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

ЭЪТИҚОД ВА ҲУҚУҚИМИЗ ГАРОВИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Асосий қонунимиз Ўзбекистон фуқароларининг миллати, ирқи, динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқли, деб билади ва уларнинг урф-одатлари, миллий анъаналари ҳамда диний қадриятларини ҳурмат қилиниишини кафолатлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, инсонпарварлик, демократия Конституциямизнинг асосий тамойили ҳисобланади.

Шундай экан, бу муқаддас заминда яшаётган ҳар бир инсон Конституциямизни ҳурмат қилиши, унда белгилаб қўйилган фуқаролик бурчларини яхши англаб олиши лозим.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ҳаётимизнинг барча жабҳаларида улкан ўзгаришлар юз берди. Ислом динига ва диндорларга муносабат тубдан ўзгарди. Масжид ва мадрасаларимизнинг сони кўпайди.

Қатор тарихий обидалар таъмирланди ва мусулмонлар ихтиёрига қайтариб берилди. Бебаҳо илмий ва диний асарлари билан жаҳон тамаддунига, дин ривожига ҳисса қўшган буюк алломаларимизнинг мероslари ҳар томонлама ўрганила бошланди. Қуръони карим маънолари, ҳадиси шарифлар, фиқҳ ва тасаввуф тариқатларига доир диний адабиётларнинг талайгинаси она тилимизга ўгирилмоқда.

Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Мотуридий каби улуғ бобокалонларимизнинг руҳларини шод қилиш мақсадида табаррук қадамжолари обод этилди, зиёратгоҳларга айлантирилди.

Давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан мусулмонларга ибодатларни эркин адо этишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Жумладан, муборак ҳаж сафарига борувчи ҳожилар учун катта қулайликлар яратилгани, икки ҳайит кунларини дам олиш кунлари этиб белгиланиши ихлосманд халқимиз учун катта бахт ҳисобланади. Бу каби неъматларга шукр қилмоқ ҳар биримизнинг зиммамизга вожиб.

Аллоҳ таоло Қуръони каримда марҳамат қилади: **«Эй бандаларим, агар Менинг сизларга ато этган неъматларимга шукр қилсангиз, Мен уларни янада зиёда қилиб бераверaман».**

Бинобарин, жонажон Ватанимизда яшаётган, унинг барча нозу неъматларидан баҳраманд бўлаётган ҳар бир инсон шу азиз Ватан олдидаги фуқаролик бурчини яхши англаган ҳолда элим, юртим деб ёниб яшамоғи, менга у нима берди, деб эмас, балки мен шу она юртимга нима бердим, қандай савобли ишларни бажардим, нима қилсам унинг муносиб фарзанди бўламан, деган саволларни ўзига бериб туриши лозим бўлади.

Ўтган 15 йил мобайнида давлатимиз, ҳукуматимиз, хусусан, муҳтарам Юртбошимиз томонларидан юрт равнақи, халқ фаровонлиги, ватан тараққиёти йўлида амалга оширилган эзгу ишлар эсга олинса ва ўтмишга таққослаб кўрилса, қанчалик кўп ва хўб ишлар қилинганлиги ўз-ўзидан маълум ва равшан бўлади. Лекин бизнинг ютуқларимизни кўра олмайдиган, моддий ва маънавий бойлигимизга ҳасад кўзи билан қарайдиган кимсаларнинг ҳам борлигини унутмаслигимиз керак. Бундай иғвогарона иддаоларга хайрихоҳ кишиларнинг орамизда бўлишига асло йўл қўймаслигимиз лозим бўлади. Хориждан туриб бизга нохолис баҳо бераётганларга нисбатан эса раддия сўзимиз ва мантиқий жавобларимизни равона қилиб туришимиз керак бўлади.

Сиз азизларни ва сиз орқали барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган улуғ байрам — Конституциямизнинг 14 йиллик байрами билан самимий муборакбод этишга рухсат бергайсиз. Илоҳо, юртимиз бундан-да обод, халқимизнинг моддий ва маънавий бойлиги бундан-да зиёда бўлиб бораверсин. Тинчлик, хотиржамлик ва саломатлик ҳамиша ҳамроҳимиз бўлсин.

Вассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳ.

Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш учун тузилади.

Куролли Кучларнинг тузилиши ва уларни ташкил этиш қонун билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 125-модда.

ШАХС ДАХЛСИЗЛИГИ

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги мамлакатимиз тарихида туб бурилишлар даври бўлди. Халқимиз қалбидаги асрий орзу-умидлар қуёшдек чарақлай бошлади. 1990 йил 20 июнь куни Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақириқ иккинчи сессиясида "Мустақиллик тўғрисида Декларация" қабул қилинди. 1991 йил 31 август куни Олий Кенгашнинг ўн иккинчи чақириқ навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Ўзбекистон давлат мустақиллиги эълон қилинди ва 1 сентябрь — Мустақиллик куни сифатида ўзбек давлатчилиги тарихининг янги даврини бошлаб берди.

Абдукамол РАҲМОНОВ, Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ушбу сессияда сўзлаган нутқида: **"Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсати – инсонийлик ва эзгулик қонунларига асосланади ҳамда фуқароларнинг осойишталиги ва миллий муроса сиёсати бўлиб қолади"**, деб таъкидлаган эдилар.

Ўзбекистон халқи мустақилликнинг дастлабки йилларида – 1992 йил 8 декабрь куни ўзбек давлатчилиги тарихий тажрибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни кўзлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш мақсадида ўзининг мухтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилди. Инсонийлик, қадр-қиммат ва эзгулик тамойилларини ўзида мужассам этган Конституциямиз инсон ҳуқуқлари, озодлик, барқарорлик ва тараққиёт мажмуини ифодалайдиган ҳуқуқий демократик ва адолатли давлат қуриш истиқболларини белгилаб берди.

Конституция — шахс дахлсизлигининг устувор тамойилларини ўзида акс эттирди. Яшаш ҳуқуқи, шахсий ҳаёт, жисмоний, маънавий дахлсизлик, мулк ва турар жой дахлсизлиги ва бошқа дахлсизликлар шахснинг умумий дахлсизлиги сифатида тан олинди. Конституцияда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги белгилаб қўйилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

ЁШЛАР НИГОҲИ

Конституция, энг аввало, давлатни давлат, миллатни миллат сифатида шакллантирувчи, унинг буюк келажагини таъминловчи Бош Қомусдир. Уни ўрганиш ва унда белгилаб берилган тамойилларга оғишмай амал қилиш эса ҳар бир фуқаронинг давлат ва жамият олдидаги муқаддас бурчидир. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда Конституцияни ўрганишга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилади. Маълумки, айни шу мақсадда 2001 йилнинг 4 январида давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши эълон қилинган эди. Ана шу фармойиш талабларидан келиб чиққан ҳолда Конституция юртимизнинг барча боғча, мактаб, ўрта махсус ва Олий ўқув юртларида алоҳида фан сифатида ўқитилмоқда. Биз яқинлашиб келаётган қутлуғ байрам — Конституциямиз қабул қилинган куннинг 14 йиллиги арафасида турли соҳа вакиллари қатори боғча тарбияланувчилари, мактаб ўқувчилари, Олий ва ўрта махсус билим юрти талабаларига ҳам бир қатор саволлар билан мурожаат қилдик. Қуйида улгайиб келаётган ёш авлоднинг Конституциямиз ҳақидаги фикрлари билан танишасиз.

КЕЛАЖАККА ИШОНЧ

Гулсара РАУПОВА, Тошкент Молия институти талабаси

Конституция! Ана шу биргина сўз жамиятда одамни одамдек яшаши, орзу-истаклари, ҳуқуқларини кафолатлайди.

Яқиндагина (атиги ўн беш йил олдин) ўтмишга айланган қарамлик даври — шўро тузумининг қоғоздаги қонунлари, уларнинг халқимиз ҳаётидаги пуч таъсирини яхши биламиз. Шундай пайтлар эдики, «мустақиллик», «мустақил давлат» деган тушунчалардан жуда йироқда эдик. Умр бўйи кимларнингдир етагида юришимиз, бировларнинг хоҳиш-иродасига бўйсуниб, чизган чизиғидан четга чиқмаслигимиз гўё пешонамизга ёзилгандек эди.

Барига нуқта қўйилди. Президентимизнинг дадил саъй-ҳаракати, буюк ватанпарварлик журъати ила Ўзбекистон озодлик мақомига эришди. Тарих Ўзбекистонни, ўзбек халқини ёруғ юз билан дунёга маълум этди. Аммо шунгача ўтган давр, халқимиз йўқотган имкониятлар ўрнини тўлдириш учун Юртбошимиз ўртага ташлаётган таклиф ва ғояларнинг моҳиятини халқимизга, айниқса, ёшларимиз онгига сингдириш ҳар бир юртдошимизнинг — ҳар бир фуқаронинг кимлигини яна бир бор синовдан ўтказадиган вақт келди. Асосий Қонунимизни теран билиш ва унга амал қилиш биринчи навбатда, бу бизнинг ўзлигимизни — ҳам миллий, ҳам фуқаролик манфаатларимизни ҳимоя қилади. Асосий Қонунимиз қабул қилинган илк кунларданоқ Президентимиз: **«Янги Конституциямизнинг энг муҳим моҳияти шундан иборатки, унда «Давлат идоралари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъулдирлар», дейилган, яъни фуқаролар манфаатининг устунлиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва кафолатланган...»**, дея таъкидлаган эди.

Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг яна бир устувор жиҳати шундаки, унда инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясига мос барча қоидалар мужассамлаштирилган.

Яна шуни таъкидлаш жоизки, Президентимизнинг 2001 йил 4 январдаги **«Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида»**ги Фармойиши ўзининг муҳимлиги билан халқимиз ҳаётида келажагимизнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш учун хизмат қилади. Албатта, бугун барчамизнинг ўрганишимиз, амал қилишимиз, бажаришимиз зарур бўлган талай билимлар, юмушлар қаторлашиб турибди. Шунга қарамай, биринчи галда фуқаро сифатида ўзимиз яшаётган жамиятнинг асл моҳият-мақсади жамланган қонунларини билишимиз шарт. Бусиз ҳеч бир фуқаро ўзини тўлақонли ҳис этолмайди. Демакки, у ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини билмайди. Менинг назаримда, қонунни билиш, уни ҳурмат қилиш ёшларимизда келажакка ишонч уйғотади.

Мустақилликнинг моҳиятини англаш бу — Конституцияни билиш-ўрганишдан бошланади. Янгиланаётган жамиятга мустақил фикрлайдиган маънавий соғлом, ватанпарвар ёшлар керак. Уларни тарбиялаш эса ўз-ўзидан амалга ошмайди. **«Биз бефарқликка йўл қўйсак, болаларимизни бошқалар етаклайди»**, — Президентимизнинг бу сўзларида жуда катта маъно борки, бунда Ватаннинг келажаги, уни севиш, қадрлаш, унинг бугуни, эртаси, тарихига муҳаббат билан қараш, ишонч каби мақсадлар устувордир. Шунинг учун ҳам юқоридаги Фармойишни нафақат бугунимиз ёки бир-икки авлод умрига тенглаштириш мумкин, аниқроғи, бу асрларга татигулик миллий манфаат, қонун, озодлигимизнинг ҳуқуқий асосларини англаш-ўрганиш йўлидаги буюк, давомли имкондир.

АЛИФБОДЕК ЎРГАНИШ КЕРАК...

Сожидахон АНВАРОВА, «Истиқлол фарзандлари» номли 84-боғча мактабнинг 4 «в» синф ўқувчиси

Конституциямиз ҳақида илк марта боғчамизда тарбиячи опамиздан эшитганман. Ҳозир мактабимизда Конституция дарси ўқитилаяпти. Мен бу дарсни жуда яхши кўраман. Ўтган 4 йил ичида Конституция ҳақида кўпгина билимларга эга бўлдим. Шуни ишонч билан айта оламанки, биз, болаларнинг барча ҳуқуқларимиз Конституциямизда кафолатланган. Барчамиз бепул умумий таълим олиш ҳуқуқига эгамиз.

Ўз навбатида биз, ўқувчилар ҳам ўз ҳуқуқларимизни яхши билишимиз, Конституциямизни алифбодек ўрганишимиз керак. Ана шунда ўз бурчларимиз ва мажбуриятларимизни билиб оламиз ва олдимизга қўйган мақсадларимизга оғишмай етиб борамиз. Мен Конституциямизнинг ҳамма модда ва қонун-қоидаларига риоя қиламан ҳамда дўстларимни ҳам шунга амал қилишга чақираман.

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ КАФОЛАТИ

Давлатимиз раҳбари республикамиз Конституциясининг қабул қилинишини: **«Янги Ўзбекистонни қарор топтириш жараёнидаги муҳим қадам, суверен давлатимизнинг қонунчилиги — ҳуқуқий негизини шакллантиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатчилигимизнинг тамал тоши»** дея таърифлаган эди.

Дарҳақиқат, Конституциямиз ўзида демократик тамойилларни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини, умуминсоний қадриятларни, халқ иродаси ва унинг манфаатларини ифода этувчи олий юридик ҳужжат, айни пайтда, ҳуқуқий давлат пойдеворидир. Ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ғояси Асосий Қонунимизнинг мукаддимасида таъкидлаб ўтилган. Маълумки, суверенитет ҳар қандай давлатнинг муҳим белгиси ва халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларидандир. Конституциямизнинг 1-моддасида **«Ўзбекистон суверен демократик республика»**, дея белгилаб қўйилган. Давлатимизнинг суверенлиги, биринчидан, унинг мамлакат ичкарисида устуворлиги ва мустақиллигини билдирса, иккинчидан, шу ҳокимиятнинг ташқи сиёсат соҳасида, бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларда мустақил эканлигини, учинчидан, бошқа давлатлар унинг ички ишларига аралашиш ҳуқуқига эга эмаслигини билдиради.

Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиларидан яна бири бу – қонун устуворлиги ва қонунлар барча учун мажбурийлигидир.

Қонун устуворлиги ва қонунларнинг барча учун мажбурийлиги асосий принциплар сифатида Конституциямизнинг 15-моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра, **«Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Давлат, унинг органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмалари, фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш кўрадилар».**

Ҳуқуқий давлат барпо этишнинг муҳим шартларидан яна бири инсон ва унинг ҳуқуқлари, эркинликларини ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришдир. Конституциямизнинг иккинчи бўлимида инсоннинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари тўлиқ ёритиб берилган. Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши кераклиги таъкидланган. Айни пайтда фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказмасликлари шартлиги ҳам эътироф этилган.

Конституциямизда виждон эркинлиги кафолатланади. Унга кўра, ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динига эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. Ушбу тамойил **«Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»**ги қонунда ҳам ўз ифодасини топган. Фуқаро бирор-бир динга эътиқод қилишга ёки эътиқод этмасликка, диний таълим олишга ўз муносабатини белгилаётган пайтда уни мажбур этишга йўл қўйилмайди.

Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси келажаги буюк давлатимизнинг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлаб, халқимизга эркинлик, барқарорлик йўлларини кўрсатиб бериб, давлатимиз тараққиёти ва халқимиз манфаатларига хизмат қилмоқда.

Мусо САФОЕВ, ҳуқуқшунос

МЕНИНГ ИЛК САБОҒИМ

МИТТИ МУСОҲАБА

Хуморахон МЕЙЛИЕВА, Тошкент шаҳар Чилонзор туман 336-сонли болалар боғчаси тарбияланувчиси

— Конституция нима?

— Конституция бу бизнинг ҳамма ҳуқуқларимизни белгилаб берувчи Асосий Қонунимиз.

— Конституцияни нима учун ўрганамиз?

— Ҳуқуқларимизни яхши билиш ва ўз йўлимиздан адашмаслигимиз учун.

— Конституциядан нималарни биласиз?

— Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тасдиқланган давлатимиз байроғини, гербини ва мадҳиясини биламан. Ҳар куни боғчада эрталаб мадҳияни ёддан айтамиз. Боғча опамиз кўрсатганидек, байроқ, герб расмларини чизамиз.

— Конституцияда сизнинг қандай бурч ва ҳуқуқларингиз белгилаб берилган?

— Конституцияда мен катталарни ҳурмат қилишим, яхши, ақлли қиз бўлишим, ўртоқларим билан иноқ бўлишим белгилаб берилган. Шу сабабли бизлар авваламбор, ота-онамиз, боғча опамизни, қолаверса, дўстларимизни ҳурмат қиламиз.

Биз боғча опамиз билан тарих музейларига борамиз. Ҳайвонот боғида ҳар хил жониворларни кўрамиз. Музейдаги тарихий ёдгорликларни, ҳайвонот боғидаги жониворларни авайлаб-асрашимиз керак. Ботаника боғига борганимизда боғча опамиз бу ердаги гўзал дарахт ва гулларни узмаслигимизни, синдирмаслигимизни, майсаларни топтамаслигимизни айтдилар. Биз буларнинг ҳаммасини асрашимиз кераклиги ҳам Конституцияда белгилаб қўйилган.

Huquqiy savodxonlik sari

МЕРОС ҲУҚУҚИ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАСИЗ?

Мерос ҳуқуқи — фуқаролик қонунчилигининг алоҳида бўғини бўлиб, нисбатан мураккаб ва қамрови кенг. Фуқаролик судларида кўрилаётган бу тоифа ишларнинг салмоғи кўп ва ечимида айрим зиддиятлар ҳам йўқ эмас. Бу айрим фуқароларнинг айни қонунчиликдан яхши хабардор эмаслигидан далолатдир.

Тошкент вилояти фуқаролик ишлари бўйича суди судлов ҳайъати раиси Садир ТОЛИПОВ билан суҳбатимиз шу мавзуда.

— Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган мамлакатимиз иқтисодиётининг негизини ташкил қилган турли мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлаб берди, — дейди С.Толипов. — Мулк ва мулк ҳуқуқини вужудга келтирувчи объектлардан бири — мерос ҳуқуқи давлат ҳимоясида эканлиги эътироф этилиб, мулкдорларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кенгайтирилди. Жумладан, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.

Ушбу тоифадаги низоларни кўриш жараёнида судлар уларни ҳар тарафлама, тўлиқ, холисона ва синчковлик билан кўриб чиқишга ҳаракат қиляпти. Қонунчиликка қатъий амал қилган ҳолда адолатли қарорлар чиқаришга эътибор қаратяпти. Бу борада Республика Олий суди Пленумининг **"Мерос ҳуқуқига оид қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"**ги қарори ҳам қабул қилинган.

Қонунчиликка мувофиқ, ворислик васият ва қонун бўйича амалга оширилади. Мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига киради. Фуқаролик кодексида ворислик ҳуқуқига алоҳида бўлим ажратилган. Унда мерос таркибининг барча қирралари қамраб олинган бўлиб, меросхўрлар қандай қилиб унга эгалик ҳуқуқини қўлга киритишига оид зарур меъёрлар мавжуд.

Шу ўринда мустақиллик йилларида мерос тушунчаси кенгайганини айтиб ўтиш жоиз. Айниқса, ҳаётимизга хусусийлаштиришнинг кириб келиши бунга кенг йўл очди. Аввалларидек уй-жой фондининг асосий қисми давлатга тегишли бўлган бўлса, ҳозирда бунга деярли барҳам берилди. Уй-жойлар фуқароларимизнинг хусусий мулкига айланиб, вақти келиб фарзандларга мерос сифатида ўтяпти.

— Уй-жой билан боғлиқ можаролар кўпроқ қулоққа чалинади. Судларда бу йўналишдаги ишлар қай тартибда ҳал этилади?

— Юқорида айтилгани каби мерос тушунчаси анча кенг бўлса ҳам аҳоли орасида мерос деганда, ота-онадан ёки бошқа яқин қариндошлардан қолган уй-жой тушунилади. Аммо бу борада юртимизда асосан ота-боболардан қолган азалий одатларга амал қилинади. Масалан, фарзандлар ўн нафар бўлса ҳам, уй-жой кенжа ўғилга мерос бўлиб қолади. Бироқ бундай ҳолатлар ҳар доим ҳам тинчлик билан якун топавермайди. Ахир, қонун барчанинг мерос ҳуқуқини ҳимоя қилади.

Ҳозирги пайтда қонунлардан яхши хабардор бўлган айрим фуқаролар ўзларидан кейин фарзандлари орасида турли низо ёки келишмовчилик келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида васият қолдиришяпти. Бу юзага келадиган айрим муаммоларга ўз вақтида барҳам беради. Васият – фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродасидир. Васиятнома фақат шахсан тузилади. Яъни унинг вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди. Васиятнома фақат давлат нотариуслари томонидан тасдиқланганда юридик кучга эга бўлади.

Уй-жойга оид низолар таҳлилига назар ташлайдиган бўлсак, айрим фуқаролар ўз мулкига нисбатан эгалик ҳуқуқини ҳатто қонунлаштирмаганига ҳам гувоҳ бўлиш мумкин. Яъни ер олиб уй қураётган, аммо уни ҳужжатлаштирмаётган фуқаролар ҳамон учраб турибди. Мабодо бундай иморатлар белгиланган тартибга зид равишда қурилган бўлса, ҳеч қандай хусусий мулк мақомини ололмайди. Бундай ҳолатда уни мерос қилиб қолдириб ҳам бўлмайди. Шундай экан, фуқароларимиз ўз ҳуқуқларини билиб, унга амал қилиши фойдадан холи эмас.

Яна шундай ҳолатлар борки, ота-она вафот этганига анча йиллар бўлиб кетганидан кейин мерос бўйича фарзандлар ўртасида ўзаро низо келиб чиқади. Васият бўлмаган тақдирда бу қонун йўли билан ҳал этилади. Фақат мерос талаб қилишда айрим кишиларнинг инсонийлик тамойилларига амал қилмасдан, кўпроқ мол-дунёга эга бўлишни кўзлаши адолатданмикин? Шундайлар борки, вақтида ота-она олдидаги фарзандлик бурчини адо этмайди. Ҳолбуки, Конституциямизнинг 66-моддасида вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар, деб алоҳида қайд этилган. Айнан бунга амал қилмайдиганлар гап меросга тақалганда, ўз ҳуқуқларини керагидан ортиқ даражада талаб қилади. Мисол учун, оҳангаронлик марҳум Ж.Н га тегишли мол-мулкка оид низоли иш бўйича суд материалларида унинг Р. исмли ўғли отаси ҳаётлигида, ҳатто бетоблигида хабар олмагани, ота бундан азият чекиб йиғлагани баён этилади. Шунга қарамай, мазкур иш қонун доирасида ҳал этилиб, мерос суд қарори билан бўлиб берилди. Аммо даъвогарнинг ўгай онасига тегишли мулкдан ҳам улуш олиш ҳақидаги даъво қисми рад этилди.

— Юқорида хусусийлаштириш ҳақида тўхталдингиз. Ҳозирги кунда бунинг қамрови ниҳоятда кенг бўлиб, фуқароларимиз хусусий фирма, корхона, фермер хўжалиги каби катта мулк эгасига айланмоқда. Уларни мерос қилиб қолдириш тартиби қандай?

— Қонунга мувофиқ, мулк эгаси уни ўз хоҳишига кўра тасарруф этади. Фақат юридик мақомга эга мулк шаклларини мерос қилиб қолдириш тартиби бироз бошқачароқ. Фуқаролик кодексига кўра, деҳқон (фермер) хўжалиги ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик ҳуқуқини мерос қилиб олиш, агар қонунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ушбу Кодекс қоидалари билан тартибга солинади.

Кодекснинг "Корхонага ворислик" деб аталган моддасига кўра эса, агар мерос таркибига кирадиган корхонанинг меросни қабул қилиб олган барча меросхўрлари келишувида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, бундай мерос натура ҳолида тақсимланмайди ва меросхўрларга тегишли бўлган улушларга мувофиқ уларнинг умумий улуши мулкига айланади.

Норгул АБДУРАИМОВА суҳбатлашди

ШАХС ДАХЛСИЗЛИГИ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Шахсий ҳуқуқ ва эркинларни таъминлаш Бош қонунимизнинг асосий мақсадларидан бирига айланди. Унинг 44-моддасига мувофиқ, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланди.

Давлатимиз раҳбари Олий Мажлиснинг II чақириқ IX сессиясидаги маърузасида таъкидлаганидек, **"Фуқаролик жамиятида яшовчи комил инсон – демократия неъматларининг оддий истеъмолчиси эмас, балки уларнинг фаол яратувчиси ва ҳимоячисига айланади. Демократия, фуқаролик жамияти асосларини амалда барпо этиши, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаши мумкин бўлади. Шундагина инсон ўз мамлакатининг том маънодаги муносиб фуқароси бўла олади".**

Шу мақсадлар йўлида Юртбошимизнинг бевосита ташаббуслари билан мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини кафолатлашга қаратилган бир қатор ташкилий-ҳуқуқий ишларнинг ўзига хос механизми жорий этилди. Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, Адлия вазирлигининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни кузатувчи миллий институтлар сифатида фаолият юрита бошлади.

Демократия, тараққиёт, инсон ҳуқуқларидек умумбашарий тушунчаларни белгилайдиган асосий конституциявий тамойиллар миллий давлатчилигимиз манфаатларига, халқимизнинг ўзига хослигига, унинг анъаналарига, инсонпарварлигига мувофиқдир.

Шахсий дахлсизлик ҳуқуқини таъминлаш инсоннинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбуриятининг устуворлиги билан амалга оширилади. Конституциямизнинг 26-моддасида: **"Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас"**, деб белгилаб қўйилган. Бу қоида Ўзбекистон Республикаси томонидан 1995 йилда ратификация қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 5-моддасига, **«Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»**ги халқаро Пактнинг 7-моддасига тўлатўкис мос келади.

Президентимизнинг **"Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"**ги 2005 йил 1 августдаги, **"Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"**ги 2005 йил 8 августдаги Фармонлари шахс дахлсизлигини таъминлаш борасидаги ислоҳотлар жараёнида дадил қадам бўлди. Мамлакатимиз раҳбарининг ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги инсонпарвар қарашлари, собиқ шўро зўравонлигидан қолган ғайриинсоний иллатларга барҳам беришнинг энг одилона ва тўғри йўлидир.

Зеро, Юртбошимиз Олий Мажлиснинг VI сессиясида таъкидлаганидек: **«Бугун бизнинг ҳуқуқий доктринамиз мутлақо янгича, демократик тамойилларга асосланган. У, энг аввало, Ўзбекистон Конституцияси талабларига кўра инсон ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлайди. Инсон ҳимоянинг бош субъекти бўлиб, унинг ҳаёти ва соғлиғига суиқасд қилиш оғир жиноят ҳисобланади».**

«АСАКА» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни Конституциямизнинг 14 йиллиги байрами билан самимий муборакбод этиб, хонадонингизга тинчлик-тотувлик, қут-барака тилайди.

Юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин!

Jinoyat va jazo

ҚАНОАТСИЗЛИК КАСРИ

Ўтик-Дурмон Қоракўл туманининг чекка қишлоқларидан бири саналади. Ўтган йил июнь ойида қишлоқда дув-дув гап тарқалди: «**Ўтик-Дурмонга тоза ичимлик сув келармиш**».

Буни қарангки, тез орада бу гап ҳақиқатга айланди. 12 июнда «Зарафшон» ширкат хўжалиги билан «Улуғ Нодир Сервис» масъулияти чекланган жамияти ўртасида 2-сонли шартнома имзоланди.

Масъулияти чекланган жамият раиси Улуғбек Холмуродовнинг эса қувончи ичига сиғмасди. Албатта, қишлоқ аҳли хонадонларига ичимлик сув келтирилаётганидан эмас, аксинча...

Гап шундаки, «Қоракўл суводава» корхонаси томонидан Ўтик-Дурмонга тоза ичимлик суви келтириш учун қувурларни ўтказиш ва монтаж ишларини амалга ошириш мақсадида бюджет ҳисобидан 66-диаметрли 227 метр қувур учун 245.160 сўм, 110 диаметрли 2.000 метр қувур учун 5.900.000 сўм маблағ тўланди. Улуғбек Холмуродов эса усталик билан қувурларни МЧЖ ҳисобига ўтказиб юборди. Бажарилган ишларга қўлланилган коэффициент ва 20 фоизлик қўшилган қиймат солиғи билан биргаликда 1.684.400 сўм ҳисоблаб, ҳужжатларга 7.829.600 сўмлик иш бажарилганлиги тўғрисида сохта маълумотлар киритди.

Нафс ҳакалак отса, ёмон экан. Қишлоқ аҳли эзгу мақсад учун 1.065.000 сўм маблағ тўплаб берган. Лекин нафси ҳакалак отган жаноб Холмуродов бунга ҳам қаноат қилмасдан сотиб олинган турли диаметрли қувурлар, қурилиш материаллари суммаси 1 ва 1,76,5 фоизли сақлаш, транспорт харажатлари ҳамда 20 фоизлик қўшилган қиймат солиғи учун 1.287.400 сўм қўшиб ёзаётганда виждонини унутиб қўйди.

«Ўзим хон, кўланкам майдон» қабилида иш тутган МЧЖ раҳбари худбинлик йўлига ўтиб олди. У қувурларни ётқизиш учун қишлоқ аҳли томонидан ҳашар йўли билан қазилган ва кейинчалик кўмилган 5.400 метр куб қазиш ишларини бажариш учун 1.002.000 сўм сарфланганлиги тўғрисида сохта маълумотлар тайёрлади. Расмий ҳужжат ҳисобланган 2-шаклга ширкат хўжалиги раиси Абдусалом Одиловга имзо қўйдириб олди.

«Ўтик-Дурмон» қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлашга қурилиш материалларини қўшиб ҳисобланганда 12.875.122 сўм сарфланган.

Қизиқ томони шундаки, иш тўлиқ бажарилмаса-да, МЧЖ раҳбари расмий ҳужжат ҳисобланган 2-шакл «Зарафшон» ширкат хўжалиги қайта текшириш комиссиясига тақдим этиб, ўз ҳисоб рақамига 4.000.000 сўм пул ўтказилишига эришган. Дастлабки тергов ва суд тергови чоғида аниқланишича, 1.245.000 сўм пул ортиқча олинган. Аслида эса «Улуғ Нодир Сервис» МЧЖ ишчилари 2.755.000 сўмлик иш бажаришган экан...

Худди шу ширкат хўжалигида муқаддам судланган, аммо бундан тўғри хулоса чиқармаган чорвачилик фермаси мудири Парда Ражабов ҳам нафс қутқусига учди. Хўш, у яна қандай қилмишга қўл урди дейсизми?

Шу йил март ойида ширкат хўжалиги тугатилиши муносабати билан фермадаги қўй-қўзилар саноқдан ўтказилди.

— 25 бош қўй-қўзиларни ўз эҳтиёжларим учун ишлатиб юборганлигимга иқрорман. 566250 сўм миқдоридаги қўй-қўзиларни хўжалик ҳисобхона ҳужжатларидан чиқим қилмасдан сохта ҳужжатлар тузганлигимни тан оламан, — деди судда Парда Ражабов. – Уларни имзолаб, ҳисобхонага тақдим этганлигим ҳам рост. Қилмишимдан пушаймонман. Етказилган зарарни ихтиёрий тарзда тўладим...

Улуғбек Холмуродов ҳам, Парда Ражабов ҳам нафс бандаларига айланмаганларида бугун уларнинг боши эгилиб қолмасди. Ҳар икки судланувчига нисбатан адолатли жазо тайинланди.

Ҳаётда тўғри юрган одам, албатта, муродига етган. Унинг номига доғлар ёғилган. Завол кўрмаган. Эгрилик эса одамни жар ёқасига етаклаган, балога гирифтор этган. Ҳужжатларни қалбакилаштириб, нафсини тия олмаган, ўз манфаати йўлида енг шимариб елиб-югурган Улуғбек Холмуродов ва Парда Ражабовларга текин тамоқлик охир-оқибат тузоққа айланди. Ҳаётда ҳалол, пок одамнинг номи ҳамиша баланд бўлган.

Ҳаёт қадр-қиммати, нашъаси, улуғлиги, лаззати — ҳалол яшашда. Шундай эмасми?

Турсунбой ТАНГРИЕВ, ҳуқуқшунос, Валижон ЮСУПОВ, «Инсон ва қонун» мухбири

Дунёда туш кўрмайдиган одамнинг ўзи йўқ. Фақат кимдир кўрган тушини аниқ-тиниқ эслайди. Яна кимдир бирорта ҳам тушини эслаб қола олмайди. Олимларнинг таъкидлашича, ҳар қандай соғлом инсон саккиз соатлик уйқусида давомида ўнлаб туш кўрар экан. Айрим олимлар эса туш инсон ҳаётини олдиндан айтиб берувчи башорат, деган фикрни исботлашга ҳаракат қиладилар. Яна бир бошқа гуруҳ олимлар эса тушнинг инсон тақдирига умуман алоқаси йўқлигини таъкидлайди. Хуллас, олимлар қандай фаразни илгари суришидан қатъий назар, инсонлар ҳамиша яхши тушларига ишониб, ёмон тушини сувга айтиб келган ва ҳозир ҳам шундай. Энг қизиғи, кўрган тушларини таъбирлаш, уларга ишониш ва амал қилиш миллати, ирқидан қатъий назар, жаҳондаги барча халқларга бирдек тегишлидир...

Sirli dunyo

КЕЛАЖАКДАН ХАБАР...

ёхуд биз нега туш кўрамиз?

Айрим мутахассислар тушни инсоннинг ҳис-ҳаяжони, қўрқуви, интилиш ва эҳтиёжлари маҳсули деб атасалар, бошқа бир тоифа мутахассислар ташқи оламдан келадиган хабар тариқасида баҳолайди. Лекин ҳаётий тажрибадан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, туш ҳар бир инсоннинг ўзига хос ички олами маҳсули ҳисобланади. Айрим олимлар инсон тушни ёшига қараб ҳам кўриши мумкин, деб даъво қиладилар ва қай бир маънода улар ҳақ.

Умуман олиб айтганда, туш бу ташқаридан келувчи нарса эмас, балки инсон ички дунёси: хоҳиш, эҳтиёж, қўрқув, қумсаш ва шу каби омилларнинг ифодасидир. Бир сўз билан айтганда, туш инсонга ўзи истаган, аммо ҳақиқий ҳаётда ета олмаган нарсаларни иньюн этади. Уларни рўёбга чиқаришга ёрдам беради. Туш бу ўзингиз ўзингизга айтиб берадиган ҳодисадир. Агар туш қандайдир бир аҳамиятга молик бўлса-да, у фақат ва фақат ушбу тушни кўраётган кишигагина тегишли бўлади, холос.

Бугунги кунга келиб, туш кўриш ҳодисаси билан руҳшунослар, физиологлар ва тиббиёт ходимлари янада чуқурроқ шуғуллана бошладилар.

— Сиз қандай тушлар кўрасиз?

Шифокорлар беморларга ташхис қўяр экан, кўп ҳолларда ана шундай савол беради. Чунки улар беморнинг туш кўришига қараб ҳам ташхис қўйишлари мумкин. Бунда бирор ғайритабиий нарсанинг ўзи йўқ.

Масалан, ўтган асрнинг охирларида Россияда яшаган руҳий касалликлар шифокори Василий Касаткин тушнинг саломатликка таъсири тўғрисида ўнлаб китоблар ёзган. У 30 йил давомида ёзган китобларида 1410 нафар одамнинг 27 минг 300 та тушини таҳлил қилган. Тиббиёт фанлари доктори Касаткин илмий изланишлари натижасида шундай бир хулосага келадики, тушлар яқинлашиб келаётган касалликлардан ўз эгасини огоҳ этиши мумкин экан. Унинг фикрича, инсон мияси унинг танасини бошқарувчи марказ ҳисобланиб, унинг турли бўлакларида ташқи оламдан олинаётган таассуротлар қайта ишланади. Кўриш, эшитиш, ҳис этиш ва бошқалар. Инсон ухлаётган пайтда унинг кўришга мослашган мия бўлаги ниҳоятда сезгир даражада қолиши туш кўришга олиб келар экан. Агар инсон ўта иссиқ хонада ухлаётган бўлса, жазирама иссиқ кун, ёки ўта иссиқ печь тушига кирар экан. Агар ёруғ хонада ухлаб қолса, ўта қуёшли кун, оловлар, ёнаётган лампочкалар тушига кирар экан. Ёки бўлмаса, ухлаётган одамнинг қўлига резинка теккизилса, ўша одам тушида шишиб кетган қўлларини ёки тор қўлқоп кийиб ётганини кўрар экан. Миянинг кўришга мўлжалланган қисми инсоннинг ички аъзоларидаги ўзгариш ва бетобликларни ҳам аниқлаб бериши мумкин экан. Мисол учун томоқ оғриғи билан оғришдан бир неча кун олдин инсон яраланган бўйнини кўрар экан. Бош оғриғи бошланишидан олдин эса тор бош кийими тушга кирар экан.

Демак, туш яқинлашиб келаётган касаллик аломатларидан огоҳ этади, деган хулосага келиш мумкин.

В.Касаткиннинг назариясига кўра, бош миядаги ўсма хасталиги бир хил тушни бир-икки йил давомида қайта-қайта кўриш аломати билан намоён бўлиши мумкин экан.

Айрим туш таъбирномаларига бағишланган китобларда турли хил буюмларнинг туш кўрувчига қандай хабар келтириши тўғрисида ҳам маълумотлар берилган. Албатта, буларнинг бари бутунлай тўғри ёки нотўғри, деб айта олмаймиз.

Инсон руҳияти сирлари ҳақида Ростов Тиббиёт университети руҳий касалликлар кафедраси мудири, тиббиёт фанлари номзоди Алексей Перехов журналист Александр Ключников билан ўтказган суҳбати ҳам эътиборга молик.

— Алексей Яковлевич, сиз табиатан янгилик яратишга интилувчан эксансиз, тўғрими?

— Ҳа, шифокор учун ўта мистик бўлиш тўғри келмайди. Ахир, тиббиёт аниқ фан. Лекин ғайриоддий ҳодисаларга иложи борича илмий жиҳатдан жавоб излашга ҳаракат қиламан.

— Айтинг-чи, турли инсу жинсларга ишонувчиларнинг кўзларига ҳар балонинг кўринишини яқинлашиб келаётган хасталик аломати, деб баҳолаш мумкинми?

— Йўқ. Бу етарли далил эмас. Агар кимдир яшил ажиналарни ёки ўзга сайёраликларни кўрса, унда бу одамнинг руҳий саломатлиги ҳақида ўйлаб кўрса бўлади. Агар гувоҳлар кўп бўлса-чи? Масалан, «учувчи голландияликлар» воқеаси ҳақида гапирадиган бўлсам, кемада кетаётган бир гуруҳ голландиялик денгизчилар осмонда учиб кетаётган ғайриоддий кемани кўриб қоладилар. У томон суза бошлайдилар. Аммо яқинлашишлари билан кема кўздан ғойиб бўлади. Голландиялик денгизчилар бундан сўнг бўлган бу ғайриоддий ҳодиса ҳақида турли хил афсоналар, «миш-миш»лар одамлар тилида юз йилдан буён яшаб келади. Кейинчалик маълум бўлишича, маълум бир иқлим шароитида юзага келган узоқдаги кеманинг булутларда кўринган тасвири бўлиб чиқади. Денгизчилар эса кемани учиб кетаяпти, деб ўйлаганлар. Бу оддий бир физик ҳодиса, холос.

—Наҳотки, сиз ғайриоддий фазилатларга эга бўлган одамларни учратмагансиз, ахир, руҳшуносликда қанчадан-канча сир-синоатлар бор-ку?

—Гапингиз тўғри. Ҳақиқатдан ҳам, инсон руҳияти, тафаккури сиру синоатларга тўла. Лекин нима сабабдан инсон руҳида мистик қарашлар пайдо бўлади? Бизнинг шифохонада ҳам ана шундай воқеалардан бири юз берган эди.

Бир бемор мия ўсимтаси касаллиги билан хасталанган ва унинг яшаб кетишига заррача ҳам умид йўқ эди. Аммо беморнинг бошидаги ўсимта ўз-ўзидан аста-секин йўқолиб, батамом соғайиб кетди. Бемор худонинг ўзи шифо берди, дейди. Бошқалар эса унинг организми касалликни енгди, дейишади. Қандай қилиб? Унинг организмида қандай имкониятлар ишга тушдики, мўъжиза юз берди. Буни ҳеч ким билмади. Қайта-қайта ўтказилган тиббий таҳлиллар ҳам ҳеч қандай натижа бермади...

— Кейинги юз йилликда одамлар НУЖларга ишона бошладилар. Туш таъбири ҳақидаги башоратларга эса асрлар давомида қулоқ солганлар. Тарихда тушларнинг таъбири тўғри чиққанлиги тўғрисида мисоллар кўп. Бу ҳакда сизнинг фикрингиз қандай?

— Айнан туш ва унинг таъбирига боғлиқ бир воқеа ёдимда қолган. Ўта руҳий зўриқиш оқибатида хасталанган бир аёл касалхонамизда даволанар эди. У озгина муддат аввал яккаю ягона ўғлини йўқотган экан. Унинг ўғли ҳарбий ҳаракатлар пайтида ҳалок бўлган. Энг қизиғи, бу машъум ҳодиса ҳақидаги хабар етиб келмасдан олдинроқ она туш кўрибди. Тушида ўғли тобутда ётган эмиш. Бу нима? Башоратми? Ёки ташқаридан келган шум хабарми?..

—Ахир, оналарнинг юраги ўта сезгир бўлади, дейишади.

—Тўғри айтасиз. Шунинг учун ҳам бизни бу ҳодисанинг руҳий томонлари қизиқтириб қолди. Чуқур руҳий психиотрик экспертиза ўтказдик. Маълум бўлишича, она билан бола ўртасида ўта кучли даражада ҳиссий алоқа мавжуд бўлган. Ўғли ҳар ҳафта онасига хат ёзар, она бўлса, ўғлининг ёзувларидан қандай кайфиятда эканлигини ҳис этар экан. Кейинчалик хат келмай қолади. Она бундан безовта бўлиши табиий. Доимо бирорта бахтсиз воқеа юз берган бўлса керак, деб ўйлар экан. Доимий хавотир онани шундай оғир туш кўришига сабаб бўлган. Бундай воқеа ўғлининг болалик пайтларида ҳам юз берган экан. Бола лагерда дам олаётган пайтда ҳам ундан хат келмай қолади. Ўғли сувга чўкиб кетганлиги ҳақида туш кўрган экан, ўшанда. Онанинг бундай туш кўришини, албатта, тушунса бўлади. Демак, туш мутлоқ ҳақиқат, дегани эмас экан.

Биз ушбу ҳикоямизда туш, унга амалий ва назарий жиҳатдан ёндашувлар ҳақида фикр юритдик. Туш таъбирчиларининг қандай дунёқарашга эга эканлиги, қандай қадриятларни ҳурмат қилиши, эътиқоди ва бошқа руҳий психологик жараёнлар бераётган ахборотларида ҳам ўз аксини топади. Халқимизда ўзига хос миллий қадриятлар туш таъбирини айтишда яқол кўзга ташланади. Дейлик, халқ орасида «тушда кўрсанг ганж, ўнгда кўрсанг янч», деган ибора мавжуд. Бу иборанинг мазмуни «тушингда илон кўрсанг, бойу-бадавлат бўласан», деган таъбирни англатади. Албатта, тушда дунёдан кўз юмиб кетган ота-оналар, яқинларнинг хурсанд чеҳраларини, чиройли кийимларини кўрсалар, ўтганлар ҳақига дуо қилиниб, инсон руҳиятидаги гўзал хотираларнинг қайта шакланиши, эзгулик ва яхшилик тимсоллари сифатида, яқинларнинг саломи сифатида қабул қилинади. Халқ орасида тушда гўзал қизлар ёки оппоқ соқолли чолни кўриш туш эгасига яхшилик келтиради, деган қараш ҳам йўқ эмас. Шу боис, халқимизда уйқуга ётиш олдидан бир-бирига «яхши тушлар кўринг», дея тилак билдириш одат тусига кирган. Биз ҳам мақоламизга нуқта қўя туриб, ҳар тонгда ҳаётга муҳаббат, одамларга эзгулик, яратганга шукрона айтиб уйғонинг, тушларингиз гўзал бўлсин, дея тилак билдириб қоламиз...

Ф. АШИРҚУЛОВА

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Ислом ҲАМРО, Хуршид СОДИҚОВ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Буюртма Г-1416. Тиражи — 7500.

Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 23.30

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

2 3 4 5 6